

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1493-ҳадис

1493 - وَعَنْ عَلَيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قُلْ: اللَّهُمَّ

اَهْدِنِي، وَسَدِّدْنِي».

وَفِي رِوَايَةٍ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ اهْدِي وَالسَّدَادَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2725].

1493. Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Аллоҳумма ҳадиний ва саддидний» («Аллоҳим, мени ҳидоят қилгин ва тӯғри йўлга йўллагин»), деб айт, дедилар.

Бошқа бир ривоятда: «Аллоҳумма инний ас'алукал ҳуда вассадода» бўлиб келган.

Маъноси: «Аллоҳим, Сендан ҳидоят ва тӯғри йўлга йўлланишни сўрайман».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг тўла шакли қуйидагичадир.

Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга шундай дедилар: «Аллоҳим, мени ҳидоят қилгин ва тӯғри йўлга йўллагин», дегин. Ҳидоят деганда сени ҳак йўлга бошлишини, тӯғри йўлга йўллагин деганда эса ўқнинг нишонга тегиши (каби асл мақсадга етказиши)ни назарда тутгин». (Имом Муслим ривояти).

Манба: hadis.islom.uz

